



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 29 сентябрь, № 189 (5104)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 30 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

- 1) 5 — 10-моддалар чиқариб ташлансин;
- 2) қуйидаги мазмундаги **ун тўртинчи бўлим** билан тўldirilсин:

«УН ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЖИНОЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

64-боб. Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар

592-модда. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш

Ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принциплари асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.

Ўзаролик принциплари сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда хорижий давлатнинг ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали; суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали; қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

Зарур ҳолларда, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган органлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа боғлайди.

593-модда. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўрвнинг мазмуни ва шакли

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сўров юборётган органнинг номи;
- 2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган ери;
- 3) жиноят ишларининг номланиши ва сўрвнинг хусусияти;
- 4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, маншғули тури, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал макъоми, юридик шахс учун эса унинг номи, юридик манзили ва жойлашган ери;
- 5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек сўралаётган ҳужжатлар, ашёвий ва бошқа далиллар рўйхати;
- 6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилиши жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;
- 7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда уни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров уни юборётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юборётган органнинг герби мурҳи билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинади.

594-модда. Хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи

Хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш давомида унинг ваколатли органлари томонидан олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принциплари асосида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровга илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган, белги-ланган тартибда тасдиқланган ва топширилган далиллар ушбу Кодекс талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган далиллар сингари юридик кучга эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Кеча Тошкент шаҳрида “Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари — ExpoConstruction Uzbekistan — 2010” еттинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Архитекторлар уюшмаси кўмағида “ZarExpo” кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазма

Халқаро тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида республикада қурилиш соҳасига ёндашув тубдан ўзгарди. Буни шаҳару қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий иншоотлар, кўркам тураржойларга боққан киши яққол ҳис қилади. Негаки, бугунги кунда иморатлар замонавий қурилиш материалларидан пишиқ ва мустаҳкам қилиб барпо этилаётган. Президентимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган тегишли ҳужжатлар бунда дастуриламал бўлаётди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари ҳажми йил сайин кенгайиб бораётди. Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш материаллари соҳасида 138 та янги корхона фойдаланишга топширилган, қурилиш ишлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,5 фоиз ўсгани бунинг исботидир.

Аънавий ўтказиб келинаётган кўргазма эса соҳага хориж инвестициясини жалб қилиш, иксти-лаштирилган корхоналар барпо этиш, импорт ўрнини босувчи материаллар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш, янги ҳамкорлар топишда муҳим механизмга айлан-ди. Чунки унда нафақат маҳаллий,



балки хорижий компаниялар иш-тирок этиши, тенг манфаатли келишувларга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу йилги тадбирда юртимиз ва чет эл-нинг 70 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари ҳамда хизматла-рини тақлиф этганини, айниқса, қувонарлидир.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Юртимизда сақланиб қолган тарихий обидалар, кей-инги йилларда барпо этилган замонавий иншоотларга боқиб, ҳайратим ошди, — дейди Хитой-нинг “Tiangshu” компанияси ва-кили Хе Хио Кин хоним. — Бу мамлакатингизда қурилиш соҳа-

сида бой тақриба тўплангани-дан далолат беради. Халқаро кўргазма биз, чет элликларнинг қурилиш индустриясининг бун-гунги ривожини билан яқиндан танишишимиз, ҳамкорлик алоқа-ларини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилаётган. Биз тад-бирда компаниямизда ишлаб

чиқарилган иситиш тизими учун алюмин радиаторлар, қувурлар-ни улашда қўлланиладиган фитинглар сингари маҳсулотлар билан қатнашаёмиз. Уларнинг сифати юқори, нархи эса арзон-лиги боис кўплаб буюртмалар олди.

(Давоми 3-бетда).

ЁШ АВЛОДНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 20 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожла-ниш мақсадлари саммитидаги сўзлаган нутқи давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда жаҳонга янги бора-бар ривожлантириш, ҳозирги ва келажақ авлоднинг юксак турмуш даражаси ҳамда сифатини таъминлаш масалалари катта интеллектуал қувват билан, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда содир бўлаётган мураккаб, кўп қиррали жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида илгари сурилди.

Шу йил 27 сентябрь кунини Тошкент давлат иқтисодий университетидеги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиё-сат масалалари қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда-ги ваколатхонаси, шунинг-дек, Ўзбекистон Республи-каси Президенти ҳузурида-ги Давлат ва жамият қури-лиши академияси билан биргаликда ташкил этилган «БМТнинг Инсон тараққи-ёти концепцияси ва ёш ав-

лоднинг баркамол ривожла-нишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашларининг роли» мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинар-тренингда Ўзе-бекистон Республикаси Прези-денти Ислам Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг Мингйиллик ри-вожланиш мақсадлари сам-митидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни таъ-минлаш, шу билан бирга, «Баркамол авлод йили» Дав-

ласт дастури амалга оши-риш юзасидан халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашлари-нинг фаолиятини кучайти-риш масалалари муҳома-ка қилинди. Депутатлик корпу-си, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашларининг энг муҳим ва-зифаси давлатимиз раёба-рининг Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти олий минба-рида сўзлаган нутқи қонда-ли ва хулосаларининг ма-змун-моҳиятини кенг жа-моатчиликка, авваламбор,

ёш авлоднинг баркамол ри-вожланиши учун кенг имко-ниятлар яратишга қаратил-ганлиги алоҳида таъкидлан-ди. Бу жараёнда халқ депу-татлари маҳаллий Кенгаш-лари муҳим ўрин тутди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органла-ри фаолиятини кучайтириш-га қўмаклашувчи комиссия-си аъзолари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари, БМТ Тарақ-қиёт Дастурининг Ўзбеки-стондаги ваколатхонаси хо-димлари, шунингдек, олий ўқув юртлиари ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ах-борот воситалари вакилла-ри иштирок этдилар.

(УЗА).

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қатор мамлакатлар билан турли соҳаларда истиқболли муносабатлар йўлга қўйилди. Ана шундай ишончли ва яқин ҳамкор давлатлар-дан бири Жанубий Кореядир.

Дарҳақиқат, ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тобора кенг қулам касб этиб бормоқда. Савдо-саноат, банк-молия, нефть-газ, авиасоҳиллик, қурилиш, машинасо-злик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, гео-логия ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё, энгил саноат, тўқима-чилик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва логистика, сўғурта, ахборот технологиялари ана шулар жумласидандир. 2008 йилда Ўзе-бекистон ҳамда Жанубий Корея Президенти раъийининг икки марта учраш-гани, 2009 йилда Корея Республи-каси Президенти мамлакатимизга давлат ташрифи билан келгани ўзаро ҳамкорликнинг янги ўфқла-рини очиб учун замин яратди.

Кеча пойтахтимизда ташкил этил-ган Ўзбекистонда автомобил қис-млари ишлаб чиқаришни маҳаллий-лаштиришни ривожлантириш бўйи-ча бизнес-форумини ҳам ана шу дўстона муносабатлар-нинг яна бир ёрқин на-тижаси, дейиш мумкин. Тадбир «Завтосаноат» акциядорлик компанияси, Кореянинг савдо ва ин-вестицияларни ривожлантириш агентлиги (KOTRA), «General Motors International Operations» (GMI) ко-мпанияси ҳамкорлигида ташкил этил-ди. Унда тегишли вазирлик ва идо-ралар вакиллари, компания ва кон-цернлар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иш-тирок этмоқда. Тадбир қатнаш-чилари орасида Корея Республикаси-

нинг 28 та компанияси номидан 70 га яқин тадбиркорларнинг қатна-шганлиги қўшма корхоналар со-нини кўпайтириш, шу орқали хориж сармояси ва тажрибасини ўзлаш-тириш, истиқболли лойиҳаларни амалгайта жалб этиш, катта аҳа-миятга эга келишувлар имзолаш им-конини беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда ишлаб чи-қарилаётган автоуловлар учун эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш кўрсаткичи компанияси, Кореянинг савдо ва ин-вестицияларни ривожлантириш агентлиги (KOTRA), «General Motors International Operations» (GMI) ко-мпанияси ҳамкорлигида ташкил этил-ди. Унда тегишли вазирлик ва идо-ралар вакиллари, компания ва кон-цернлар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иш-тирок этмоқда. Тадбир қатнаш-чилари орасида Корея Республикаси-

қолингани, бунда ўзига хос тарақ-қиёт модели муҳим роль ўйнагани таъкидландилар. Бундай ютуқлар хорижлик сармоядорларнинг мам-лакатимиз бозорига қизиқишини оширмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон — жозибадор ўлка, — дейди улардан бири, автомобиль эҳтиёт қисмла-рини ишлаб чиқариш бўйича дунё-да ўз номига эга «Egae cs» комп-анияси бош директори Ву Сун Вун. — Бундай дейишим учун асослар етарли. Мамлакатингизда тадбир-корлар учун қўлай сармоявий муҳит ва шарт-шароитлар яратиб берил-ган. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, табиатингизнинг гўзаллигига бево-сита гувоҳ бўлиб, таассуротларим янада бойиди. Тошкентке мегапо-лисида муҳим келишув шартнома-рига эришиш имконига эга бўл-ганимиздан эса жуда хурсандим.

(Давоми 3-бетда).


(Давоми 3-бетда).

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛУШИ КўПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

41,1 фоизни ташкил қилди.

Жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар кўрилгани соҳада ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.



БИР РАҚАМ ШАРХИ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

595-модда. Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш

Суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган, уларига белгиланган тартибда топширилган процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида ижро этади.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров келиб тушган орган уни ижро этишга ваколатли бўлмаса, у сўровни ваколатли органига юбориши ва бу ҳақда сўров ташаббускорини ёзма равишда хабардор қилади.

Бевосита судга, прокурорга, тергов органига, суриштирув органига процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида келиб тушган сўров ушбу Кодекс 592-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли органлар билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишда ушбу Кодекс нормалари қўлланилади. Хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси бўйича, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, хорижий давлат процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ёки ўзаролик принципи асосида, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишда хорижий давлат ваколатли органининг вақиллари ушбу Кодекс 592-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли органлар рўхсати билан ҳозир бўлиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш мумкин бўлмаса, у ҳолда олинган ҳужжатлар сўровни ижро этишга тўқтинлик қилган сабаблар кўрсатилиб, сўровни олган орган орқали, зарур бўлганда эса дипломатик йўлар орқали хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органига қайтариб юборилади.

Агар сўров Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси суверенитетига ёхуд ҳафсизлигига зарар etkazishi мумкин бўлса, у ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

596-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқаридан бўлган гувоҳни, жабрланувчини, эксперт, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вақилларини қақририш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридан бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вақиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажариш учун жиноят ишнинг юрияттаган мансабдор шахс томонидан қақририлиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қақририш тўғрисидаги сўров ушбу Кодекснинг 592-моддасида белгиланган тартибда юборилади. Шахсларни қақриришда процессуал мажбурият чораларини қўллаш тақдирда бўлмаслиги керак.

Чақурув бўйича келган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтунига қақдар содир этилган қилмишлар учун ёки чиқарилган ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёхуд шахсий эркинликнинг бошқача чекланишига дучор этилиши мумкин эмас. Агар чақурув бўйича келган шахс унинг ҳозир бўлиши қақриришга мансабдор шахсга бошқа ҳаққа бўлмаган қолган пайтдан эътиборан ўн беш суткалик узлуксиз муддат ўтунига қақдар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўқтинлик этишга эга бўла туриб, шу ҳудудда қолишда давом этса ёки жўнаб кетганидан кейин Ўзбекистон Республикасига қайтиб келса, мажзур иммунитетнинг амал қилиши тўғайди.

Хорижий давлат ҳудудида қамоққа сақланаётган шахс, башарти бу шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қақририш тўғрисидаги сўровда назарда тутилган процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ўтказилган бўлса, ушбу моддада белгиланган тартибда қақририлади. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўладиган бутун даврда қамоққа сақланаверади. Уни қамоққа сақлашга хорижий давлат ваколатли органининг тегишли қарори асос бўлади. Мажзур шахс сўровга берилган жавобда кўрсатилган муддатларда тегишли хорижий давлат ҳудудида қайтарилиши керак.

Шахсни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки ўзаролик принципи асосида белгиланади.

597-модда. Жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган, кейинчалик унинг ҳудудидан чиқиб кетган ҳамда процессуал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг иштирокида бажарилиши имкони бўлмаган тақдирда, тергов қилинаётган жиноят ишининг барча материаллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига топширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мажзур материалларни хорижий давлатнинг ваколатли органига тергов қилиш учун юбориш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Жиноят иши материалларига etkazilgan зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза, шунингдек далиллар илова қилинади. Ишдаги ҳар бир ҳужжат мажзур жиноят ишини юрияттаган органининг гербли муҳри билан тасдиқланган ва юборилган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинган бўлиши керак.

598-модда. Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш

Хорижий давлат ваколатли органининг хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қақриб чиқилади. Бундай ҳолларда жиноят ишини юрияти ушбу Кодексда белгиланган тартибда олиб борилади. Жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қақбул қилган орган қарорнинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юбориши керак.

599-модда. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориш

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориши мумкин.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юбориш, агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш ҳар иккала давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш бўлса ва шахс жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб беришга тақдирда — уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазо ёки оғирроқ жазо назарда тутилганда ёхуд шахс ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тақдирда — у олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинганда амалга оширилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юбориш зарурияти юзага келганда ҳамда бунинг учун ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган асослар ва шартлар мавжуд бўлганда, барча зарур материаллар мажзур сўровни юбориш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сўров юборилган органининг номи;
- 2) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг турилган санаси ва жойи, фуқаролиги, ашаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар ва унинг шахс ҳақидаги бошқа маълумотлар, шунингдек имкони борича ташқи кўнфаси тавсифи, фотосурати ва шахсни идентификация қилиш имкони берадиган бошқа материаллар;
- 3) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва тавсифи, шу жумладан у томонидан etkazilgan зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;
- 4) шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ёхуд ҳукм чиқарилган жой ва сана тўғрисидаги, шунингдек ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг ва қамоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилиниши керак. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга қонуний кучга кирган ҳукмининг тасдиқланган кўчирма нусхаси ва жазонинг ўтлмаган муддати тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши керак.

600-модда. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси

Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қақдар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда хорижий давлатнинг розилиги талаб қилинмайди, агар:

у ушлаб берган шахс жиноят иши тўғатилган кундан эътиборан, ҳукм қилинган тақдирда эса жазо ўтилган ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилнган кундан эътиборан бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этмаган бўлса. Ушлаб берилган шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиш имкониятга эга бўлмаган вақт бу муддатга қўшиб ҳисобланмайди;

у ушлаб берган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этган, аммо кейин ихтиёрли равишда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган бўлса.

Хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қақбул қилган орган унинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юбориши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини у томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят ишини юриятиш натижалари ҳақида ёзма равишда хабардор қилади. Мажзур органининг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг кўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин.

601-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўрови Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қақриб чиқилади.

Ўзаролик принципи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органининг шунга ўхшаш ваазиятда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига биноан шахсни ушлаб бериш амалга оширилиши ҳақидаги ёзма ваъдаси билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровда амалга оширилиши мумкин:

агар шахс жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб берилганда содир этилган қилмиш учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазони ёки оғирроқ жазони назарда тутса;

агар ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров юборилган шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса;

сўровни юборган хорижий давлат ўзига нисбатан сўров юборилган шахснинг фақат сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилишини ҳамда суд муҳоамаси туғандан ва жазони ўтаганидан кейин мажзур давлат ҳудудини эркин тарк эта олишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга қақриб юборилмаслигини, топширилмаслигини ёхуд ушлаб берилмаслигини, худди шунингдек қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шайни ва қақр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалаларга дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини қақролатласа.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ёки унинг ўринбосари томонидан қақбул қилинади. Айни бир шахсни ушлаб бериш тўғрисида бир неча давлатнинг сўрови мавжуд бўлганда, шахсни қайси давлатга ушлаб бериш кераклиги тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қақбул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қақбул қилинган қарор тўғрисида ўзига нисбатан қарор қақбул қилинган шахсни йигирма тўрт соат ичида ёзма равишда хабардор қилади ва унга мажзур қарор устидан ушбу Кодекснинг 602-моддасида мувофиқ шикоят қилиш ҳуқуқини тушутиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш муддати ўтган ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қақбул қилинган қарорни, суднинг ажримини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юбориши керак.

602-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан сўралаётган шахс қамоққа сақланаётган жойдаги жиноят бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича шикоят қилинган тақдирда, шахсни ушлаб бериш суднинг ажрими қонуний кучга киргунига қақдар амалга оширилади.

Сўралаётган шахс қамоққа сақланаётган жойнинг мажзурияти шикоятни олиши билан уни дарҳол судга юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарнома олинган кундан эътиборан ун сўтқадан кечиктириши судга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги

қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи материалларни юбориши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятни қақриб чиқиш шикоят суд томонидан олинган кундан эътиборан ўн сутка ичида ун нафар судьядан иборат таркибда, очиқ суд мажлисиде прокурор, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги қарор қақбул қилинган шахс ва, агар ишда иштирок этаётган бўлса, унинг ҳимоятчиси иштирокида амалга оширилади.

Суд мажлиси бошланишида раислик қилувчи қайси шикоят қақриб чиқилишини эълон қилади, ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажзуриятларини тушутиради. Аризачи ва (ёки) унинг ҳимоятчиси шикоятни асослаб беради, шундан сўнг сўз прокурорга берилади.

Суд мажлиси давомида суд шикоят берган шахснинг айб-лигилиги масаласини муҳоама қилмай, устидан шикоят берилган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириш билан чекланади.

Шикоятни қақриб чиқиш натижасида суд қуйидаги ажримлардан бирини чиқарилади:

шикоятни қаноатлантиришсиз қақдириш тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида.

Суднинг ажрими апелляция шикоятни бериш ёки протести билдириш муддати туғатиш билан қонуний кучга қиради.

Суднинг ажрими ўқиб эшиттирилганидан кейин дарҳол прокурорга, шунингдек ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида қарор қақбул қилинган шахсга ва, агар ишда иштирок этган бўлса, унинг ҳимоятчисига юборилади.

Суднинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Апелляция шикоятни ёки протести ажримни чиқарган суд орқали берилиб, суд уни материаллар билан бирга қилганда ўн сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Апелляция шикоятни ёки протести келиб тушган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктиришига Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қақриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикоятини ёки протестини қақриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқарилади: суд ажримини ўзгартириш, апелляция шикоятини ёки протестини эса қаноатлантиришсиз қақдириш тўғрисида; суднинг ажримини бекор қилиш тўғрисида;

апелляция инстанцияси суднинг ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга қиради ва дарҳол ижро этилиши керак. Апелляция инстанцияси суднинг ажрими прокурорга ижронга ташқил этиш учун, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги қарор қақбул қилинган шахсга ва, агар ишда иштирок этган бўлса, унинг ҳимоятчисига маълумот учун юборилади.

603-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб бериши рад этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар: ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса;

сўров юборилишига сабаб бўлган жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси манфаатларига қақриш унинг ҳудудидан ташқариде содир этилган бўлса;

сўралаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айни ўш қилмиш учун қонуний кучга кирган ҳукм ёки суднинг ажрими (қарори) ёхуд ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзгаатиш қарор этиш ҳақидаги ёки уни тўғатиш тўғрисидаги бекор қилинган қарори мавжуд бўлса;

сўров юборилишига асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят иши кўзгаатиш мумкин бўлмаса ёки тўғатилиши лозим бўлса ёхуд муддати ўтиб кетганини тўғайли ёки бошқа қонуний асосга кўра ҳукми ижро этиш мумкин бўлмаса;

сўралаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасида айни ўш қилмиш учун жиноят иши кўзгаатиш бўлса;

ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахсга уни сўралаётган давлатда ирки, диний эътиқоди, фуқаролиги, миллати, муайян ихти-моий гуруҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқодида кўра таъқиб этилиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикасиде бош-пана берилган бўлса.

Сўралаётган шахсга нисбатан унинг йўқлигида чиқарилган ҳукми ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш, агар ҳукм қилинган шахс ўзининг ҳимоятчиси бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун етарлича имкониятга эга бўлмаган деб ҳисоблашга асослар бўлса, рад этилиши мумкин. Агар сўровни юборган хорижий давлат ҳукм қилинган шахсга унинг иштирокида тақриорий суд муҳоамаси ўтказилишига бўлган ҳуқуқни қақролатласа, ушлаб бериш амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш амалга оширилмаса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

604-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериши кечиктириш ва вақтинча ушлаб бериш

Ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилаётган ёки жазони ўтаётган бўлса, уни ушлаб бериш жиноят иши тўғатилгунига, ҳукм ижро этилгунига ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилин-гунига қақдар кечиктирилиши мумкин.

Агар жазони ўтаётган шахсни ушлаб бериши кечиктириш жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетишига сабаб бўли-ши ёки жиноятни тергов қилишга зарар etkazishi мумкин бўлса, сўралаётган шахс, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ёки унинг ўринбосари томонидан белгиланган шартларга рия эъти мажзурияти мавжуд бўлган тақдирда, вақтинча ушлаб берилиши мумкин.

Вақтинча ушлаб берилган шахс жиноят иши бўйича қайси процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун ушлаб берилган бўлса, ўша процессуал ҳаракатлар бажарилганидан кейин, бироқ шахс топширилган кундан эътиборан ўн ойдан кечиктирмай қайтариб берилиши керак. Хар иккала давлат ваколатли органларининг ўзаро ақдлашувига кўра бу муддат шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган ёки қонунга мувофиқ ҳукм қилиниши мумкин бўлган жазо муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтири-лиши мумкин.

605-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш учун ушлаб туриш ва қамоққа олиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органидан тегишли тарзда расмийлаштирилган сўров олинганда ва мажзур шахсни ушлаб бериш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ушбу шахс ушлаб турилиши ва унга нисбатан қамоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чораси қўлланили-ши мумкин.

Хорижий давлат ваколатли органининг илтимосномасига биноан шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров олингунига қақдар ҳам ушлаб турилиши мумкин. Илтимосномада қамоққа олиш тўғрисидаги қарорга ёки қонуний кучга кирган ҳукмга ҳавола ва мажзур сўров қўшимча равишда тақдим этилиши кўрсатилиши керак. Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома ушбу сўров юборилгунига қақдар почта, телеграф, телекс, факс ёки бошқа алоқа воси-талари орқали etkazishi мумкин.

Шахс, агар у бошқа давлат ҳудудида уни ушлаб беришга са-баб бўладиган жиноят содир этган деб гумон қилиш учун қонун-

да назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган илтимосномасиз ҳам етмиш икки соатгача ушлаб турилиши мумкин.

Шахс ушланганидан кейин ички ишлар органларининг ёки бошқа суриштирув органларининг ходимлари олинган материалларни прокурорга тақдим этади, у материалларни ўрганиб чиқа-ди ва ушлаб турилган шахснинг қидирув эълон қилинган шахс эканлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган, шунингдек ушбу Кодекснинг 603-моддасида баён қилинган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, қамоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгаатиш ҳақида қарор чиқариши ва уни судга юбориши керак.

Прокурорнинг қамоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритиши, унинг судья томо-нидан қақриб чиқилиши, ажрим чиқ

Бунёдкорлик салоҳияти намойиши



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, қурилиш соҳасининг барча йўналишларини қамраб олган. Йўл қурилиши ва қурилиш махсус техникалари, қурилиш материаллари ва хизматлар, иситиш ҳамда вентиляция тизимлари, изоляция ва сантехника жиҳозлари, дурадгорлик маҳсулотлари ҳамда ёғоча ишлов бериш, лок-бўёқ ва электротехника моллари бўлимлари шулар жумласидандир. Бу ерда намойиш этилаётган маҳсулотлар ичда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши юқори эканлиги шундоқкина кўзга ташланиб турибди. Уларнинг маҳсулотлари си-фатлиги ва рақобатбардорлиги билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, "ArtPlast" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси учун ажратилган экспозиция одамлар билан гавжум. Бу ерда замонавий ашик ва ромлар тақлиф этилмоқда.

— Корхонамизда тўрт камерали пластик профелдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди қўшма корхона менежери Ҳамидулла Содиков. — Юртимиз иқлимига мослиги, шовқинни ўтказмаслиги туфайли ички бозорда уларга талаб юқори. Хусусан, пой-

тахтимизда барпо этилган қўл қаватли тураржойлар, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларда корхонамизда тайёрланган ашик ва ромлардан кенг фойдаланилмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган даврида 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бердик.

Жорий йилда кўргазма ташкилотчилари яна бир янгиликка қўл уришди. Гап шундаки, тадбир мавзуси "Мебель". Дизайн ва интерьер" йўналиши билан бойитилди, шунингдек, турли мавзуларда семинарлар ўтказилмоқда. Бу кўргазма-нинг янада қизгин ўтишини таъминлапти.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан яқиндан танишган кишилар республикамиз қурилиш индустрияси жадал ривожланиётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Зотан, бу ерда бунёдкорлик ишларида фойдаланиладиган исталган хом ашё ёки маҳсулотни топиш мумкин. Шунинг ўзидек мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти юқорилигининг ёрқин кўрсаткичи.

Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Бахтиёр АҚРАМОВ
олган суратлар.

Ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир иштирокчилари "Узинфинвест" агентлиги, "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси, Корея автомобиль технология университети (Katch)нинг тақдимотлари билан ҳам яқиндан танишдилар. Турин политехника университети технопаркида Корея компанияларининг автомобиль қисмлари кооперация биржаси ташкил этилди.

Бугун меҳмонлар "GM-Uzbekistan" корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Андижон вилоятидаги Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил этилган

қатор корхоналарга таширф буюрадлар.

Энг асосийси, анжуман давомида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қатор шартномалар, хусусан, "Узавтосаноат" ва Кореянинг "Egae" компаниялари ўртасида иссиқлик алмашиш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш юзасидан келишув имзолаш кўзда тутилган.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розикюлов иштирок этди.

Санджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тиббий соҳадаги алоқалар янада кенгайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро таъриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим, — деди Жеральд Доррос. — Айниқса, юртимизда она ва бола ўлими кўрсаткичини камайтириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар таҳсинга сазовор. Бундай эътибор бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Ж. Доррос ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда В. Вохилов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида оғир юрак хасталигига чалинган беморларни операция қилиш жараёнида иштирок этади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Мактабларга замонавий технологиялар


Жондор туманидаги 1-умумтаълим мактаби "East Telecom" провайдерни орқали "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланди.

Ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисидаги

қор педагогик технологиялар, фан ютуқларидан хабардор бўлиш баробарида, масофадан таълим олиш имконини янада кенгайтириш мақсади билан амалга оширилди. Мактабда ахборот-ресурс маркази, интернет компьютер синфхонаси ташкил этилгани эса айни мuddа бўлди. Қарийб 800 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур билим даргоҳида эндиликда энг ил-

ҳам йўлга қўйиш мумкин. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда вилоятдаги 431 мактаб ўқувчи ва ўқувчилари "ZiyoNET" ахборот тармоғидан фойдаланиб келмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, хусусан, молия-банк тизимида юксак самараларни берапти. Сабаби, мазкур тизимнинг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида, жажон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ошиб, улар йирик инвестиция институтларига айланиб бораётир. Бу дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Даржаикат, кейинги йилларда молия муассасалари тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий молиявий таянчи бўлиб қолди. Юртимиз молия бозорининг фаол иштирокчиси — Ташки иқтисодий фаолият миллий банкнинг Қашқадарё вилояти бўлими фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Албатта, банк ва миқроз ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ишончга бовлиқ. Шу маънода, бўлим жамоаси сифатида 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бердик.

Жорий йилда кўргазма ташкилотчилари яна бир янгиликка қўл уришди. Гап шундаки, тадбир мавзуси "Мебель. Дизайн ва интерьер" йўналиши билан бойитилди, шунингдек, турли мавзуларда семинарлар ўтказилмоқда. Бу кўргазма-нинг янада қизгин ўтишини таъминлапти.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан яқиндан танишган кишилар республикамиз қурилиш индустрияси жадал ривожланиётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Зотан, бу ерда бунёдкорлик ишларида фойдаланиладиган исталган хом ашё ёки маҳсулотни топиш мумкин. Шунинг ўзидек мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти юқорилигининг ёрқин кўрсаткичи.

ларни махсус кассалар орқали қабул қилишни кенгайтириш мақсадида Шахрисабзда битта, Қарши шаҳри, Ғузор ва Нишон туманларида 2 таддан махсус касса фаолияти йўлга қўйилгани айни мuddа бўлди.

Маълумки, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қулайлиги боис электрон ҳамён ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Буни банк бўлими томонидан 83 764 та пластик карточка муомалага чиқарилгани, улар орқали ўтган саккиз ойда 40,3 миллион сўмлик савдо ва хизматлар учун тўлов амалга оширилгани яққол кўрсатиб турибди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш мақсадида эса савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 410 та терминал ўрнатилгани аҳолига қўшимча қулайликларни яратди.

— Жорий йилнинг саккиз ойда банк бўлими ва филиаллари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга 13,4 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди, — дейди Миллий

банк вилоят бўлимининг кредит портфелларини бошқариш бўлими бош-лиғи Ориф Ҳайдаров. — Бу маблағ-нинг асосий қисми иқтисодиётимиз-нинг етакчи тармоқлари, хусусан, са-

Молия муассасаларида

ноат, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш саноати ҳамда бошқа соҳаларга йўналтирилди. Энг муҳими, шунинг ҳисобига 1048 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини юксалтиришга кенг имкониятлар яратиб берди. Мазкур Фармон ижроси юзасидан бўлим ва унинг филиаллари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Гап шундаки, банкнинг 995,3 миллион сўм миқдордаги маблағи эвазига тадбиркор

аёлларнинг 49 та лойиҳаси молия-лаштирилди. Ўз навбатида, кичик биз-нес субъектларига 2,5 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди. Банк бўлимининг сармоялари хизмат кўрсатиш сифатини яхши-лаш, савдо маданиятини ошириш-да ҳам муҳим аҳамият касб эта-пти. Жумладан, Миллий банк Қашқа-дарё бўлими шу мақсадда янги таш-кил этилаётган 8 та савдо дўконига 591,4 миллион сўм, 3 та таъмирла-наётган савдо дўконига 115 мил-лион сўм миқдорда кредит берди.

қўйилди, 8 та янги иш ўрни очилди.

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2007 йил 18 майдаги "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармо-ни ижроси юзасидан ҳам жорий йил-нинг саккиз ойда 1,17 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шу жумладан, 715 миллион сўмлик ипо-тека кредити ҳисобига 20 та ёш оила ўз уй-жойларига эга бўлган бўлса, 221 миллион сўмлик истеъмол кредити эвазига 74 та ёш оила рўзгорларини бутлаб олди. Бундан ташқари, яна 21 ёш оилага жами 231 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани диққатга сазовордир.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фер-мер ҳўжаликларига чорва моллари-ни кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида 782 миллион сўм кредит берилди.

Таъкидлаш керакки, молия муас-сасаси бир қатор хорижий давлат-лар банклари, хусусан, Хитой Давлат Тараққиёт банки билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Мазкур банк кредит линиялари орқали бугунга қадар 1,61 миллион АҚШ долларлик 6 та лойиҳа молиялаштирилди. Жорий йилда ушбу кредит линияси орқали Китоб туманидаги "Мусурмон Холи-қов Жўра ўғли" фермер ҳўжалигига мармар қукуни ишлаб чиқариш уску-наси сотиб олиш учун 108 миң АҚШ доллари, Қарши шаҳридаги "QARSHITEL ALOQA SEVVISI" ҳусу-сий корхонасига 357,6 миң АҚШ доллари ҳамжида кредит ажратиш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Миллий банкнинг Қашқадарё вилояти бўлими ўз ресурс базасини юксалтириш, капиталлашув даражасини ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, инвестициявий дастур-ларни амалга ошириш орқали хизмат кўрсатиш қўламини янада кен-гайтириб, унинг сифатини яхшилашга эришмоқда. Бу, ўз навбатида, воҳа иқтисодиётининг гуркураб ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Фахриддин БОЗОРОВ. □



«МИКРОКРЕДИТБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

юртимизнинг илм ва маърифат сарбонларини, барфа устозларини умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан мубофақбод этади!

Хўрматли юртдошлар!

«Микрокредитбанк» Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан юқори фоизли «УСТОЗ» номли омонат турини жорий этди.

«Микрокредитбанк»да ҳар бирининг ўзига хос имтиёзи ва қулайликлари бўлган 23 турдаги омонат депозитлари мавжуд. «Микрокредитбанк» омонатларидан фойдаланиб, ўз жамғармаларингизни кўпайтиринг!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ бўш пул маблағларини манфаатли жойлаштириш шаклини тақлиф этади.

Қуйидаги шартлар асосида юридик шахслар учун (ҳужжатсиз) бериладиган фоизли облигациялар мавжуд:

- чиқарилган корпоратив облигацияларнинг умумий миқдори — 3 000 000 000 сўм;
- битта облигациянинг номинал баҳоси — 1 000 000 сўм;
- чиқарилган облигацияларнинг миқдори — 3 000 дона;
- чиқарилган облигацияларнинг муомала муддати — 1820 кун;
- фоизларни тўлаш — ҳар чоракда;
- йиллик фоиз — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси баробарида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига мувофиқ, юридик шахслар банкнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларидан (уларни 1 йилдан ортиқ муддатга олганда) ва депозитларга қўйилган маблағлардан олинган фоиз даромадлари бўйича солиқ тўлашдан беш йилга озод қилинган.

Облигацияларни сотиб олиш масалалари бўйича «Микрокредитбанк»нинг ҳудудлардаги филиалларига мурожаат этиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 273-28-11, 273-05-79.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ — ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Дзюдочиларимизнинг жаҳон кубогидаги муваффақияти

Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро миқёсда уюштирилаётган турли нуфузли мусобақаларда эришаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга берилётган катта эътибор самарасидир.

Жумладан, кунчи кеча Тошкент ва Алматы шаҳарларида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида ҳам полвонларимиз ўз иродаларини намойиш этиб, совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлишди. Ушбу нуфузли мусобақаларда дзюдочилар нафақат голиблик, балки 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзи Олимпияда ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун ҳам куч синишди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон кубогида йигирмага яқин мамлакатдан келган юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) кўмагида Оснэ дзюдо уюшмаси (AJU), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси ва Республика дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни,

хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида чемпионларнинг янги авлоди вояга етмоқда.

Тошкентда ўтган беллашувда иқтидорли спортчиларимиздан Ирода Абдурахмонова ва Рима Бердикулова кумуш медалга сазовор бўлиб, терма жамоамизнинг кучли бешликдан жой олишини таъминладилар.

Ирода Абдурахмонова вази 57 килограммгача бўлган қизлар ўртасида иорданиялик Лираз Бен Мелех, қозғистонлик Алина Тен, америкалик Хана Кармайклин мағлубиятга учратиб, финалга етиб келди. Шу босқичда Жанубий кореялик Чжан Ди Кимга имконияти бой бериб, кумуш медал соҳиби бўлди. Рима Бердикулова 52 килограммгача бўлган иштирокчилар мусобақасида кирғизистонлик Салтанат Аҳмаджонова, мўғулистонлик Солонго Баатарсайхан ва қозғистонлик Лена-рия Мингазовани мағлубиятга учратиб, кумуш медал билан тақдирланди.

Жаҳон кубогининг эркак-

лар ўртасидаги баҳсларида Қозғистоннинг Олмаота шаҳри мезбонлик қилди. Унда юртдошларимиздан Наврўз Жўрақобиллов (73 кг.) олтин, Дилшод Чориев (90 кг.) ва Уткир Қурбонов (100 кг.) кумуш, Габит Есимбетов (60 кг.), Фармон Қобулов (81 кг.) ва Хуршид Набиев (90 кг.) бронза медални қўлга киритдилар.

Иқтидорли полвонимиз Наврўз Жўрақобиллов финалда мезбонлар вакили Ринат Иброҳимовни катта устунлик билан енггани муҳлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. У шу босқичгача қозғистонлик Абзал Абилов, тожикистонлик Саиджало Саидов, россиялик Улан Гуртуевни мағлубиятга учратди.

— Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо хис қилиб тураемиз, — дейди Наврўз Жўрақобиллов. — Мурабийларим билан беллашувларга қизгин ҳозирлик қурган эдик. Ана шу меҳнатларимиз эвазига олтин медални қўлга киритдим. Ушбу ғалабамени навбатдаги баҳсларда руҳлантириши, шубҳасиз. Эндиги мақсадим Олимпияда ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, унда муваффақиятли иштирок этишдан иборат.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МАЪМУРИЙ БИНОЛАРДАН ФойДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ҚўЙДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1.

Лот-1-1. Бухоро вилояти молия бошқармаси, Назорат-тафтиш бошқармаси ва гзачилиги маъмурий биносининг қурилиши. Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз — 3 105 686 910 сўм, ҚҚС билан — 3 726 824 290 сўм. Қурилиш ишларини давом эттириш муддати — 15 ой.
Лот-1-2. Бухоро вилояти, Шофиркон туманида Гзачилик ва молия бўлими учун маъмурий бино қурилиши. Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз — 594 679 220 сўм, ҚҚС билан — 713 615 060 сўм. Қурилиш ишларини давом эттириш муддати — 7 ой.
Лот-1-3. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри молия бўлими биносини реконструкция қилиш. Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз — 262 036 368 сўм, ҚҚС билан — 314 443 642 сўм. Қурилиш ишларини давом эттириш муддати — 6 ой.

Лот-2.

Лот-2-1. Андижон вилояти, Удуғнов тумани молия бўлими биносига қўшимча бино қурилиши. Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз — 465 695 930 сўм, ҚҚС билан — 558 835 120 сўм. Қурилиш ишларини давом эттириш муддати — 6 ой.
Лот-2-2. Андижон вилояти, Ҳўжабод тумани молия бўлими биносига қўшимча бино қурилиши. Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз — 500 407 080, ҚҚС билан — 600 488 500 сўм. Қурилиш ишларини давом эттириш муддати — 10 ой.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси.
Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 29-уй. **Телефон:** (998 71) 239-45-68.

Қурилиш ишлари давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйдаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйиматининг ҳаммида 20 фоизи миқдориди айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганилик тажриба ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатига эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қўйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилган: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги танлов таклифлари иштирокчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 308-311-хоналар. Телефонлар:** (8-371) 241-15-26, 241-15-32. Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг сўнгги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон мабтуотда чоп этилган саналдан бошлаб камида 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 29-уй.

ОБ-ҲАВО

(29 сентябрь)



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайд. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кутилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши тахмин қилинмоқда.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлиши тахмин қилинмоқда.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёнғингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-10, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Майдонда — фахрийлар

Навоий шаҳрида мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди.

Мазкур мусобақада вилоятлардан 16 та жамоа иштирок этди. Шиддат босида ёшлардан асло қолишмаслигини исботлаган фахрийлар бири-биридан қизқарли учрашувларни намойиш этидилар. Айниқса, ярим финал ўйинлари ёдда қоларли кечди. Унда мезбонларнинг «Навоийазот» ва Жиззах вилоятининг «Сўғдиёна» жамоалари ғалаба қозониб, финал йўлланмасини қўлга киритди.

Хал қилувчи баҳсда навоийлик кимёгарлар зафар кўчдилар. Наманган вилоятининг «Навбахор» жамоаси эса учинчи погонани эгаллади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш бадминтончилар беллашди

Гулистон шаҳрида Баркамол авлод йиллига бағишлаб ёшлар ўртасида бадминтон бўйича «Қамолот кубоги» ташкил этилди.

Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 1993-1994 йилларда тузилган ўғил-қизлар қатнашди.

Яқунда ўғил болалар ўртасида Артём Саватюгин (Тошкент шаҳри), Файзулла ва Амрулло Бахшиллаевлар (Бухоро вилояти) кучли учликни ҳосил қилдилар. Қизлардан пойтахт вакиллари — Мария Палкина, Элина Мирғалиутдинова ва Анаит Хуршудян муваффақият қозонди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Андижон вилояти иккинчи, Қашқадарё вилояти учинчи бўлди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Шоҳурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГРУППА ГАЗ

АВТОМОБИЛИ «ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС»
ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА «SARDOR AVTO INVEST»

ГАЗ-32213 «Газель Бизнес»
Микроавтобус до 15 мест, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!

ГАЗ-2705 «Газель Бизнес»
Фургон цельнометаллический, 3-, 7-местный, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!

ГАЗ-3302 «Газель Бизнес»
Бортовая с тентом, 3-, 6-местная, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!

ГАЗ-330200 «Газель Бизнес»
Фургон промтоварный, продовольственный, изотермический, 3-местный, люкс, ЕВРО-3. Новинка!

АВТОСАЛОН «ГАЗ»
г.Ташкент, Сергелийский р-н., ул. Новосергелийская, 1. Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-01-81. веб-сайт: WWW.SARDOR-AVTO.UZ

Снижение цен у официального дистрибьютора

Qashqai 2.0 **Tiida 1.6**

~~108 000 000 сўм~~ ~~80 000 000 сўм~~

97 000 000 сўм **60 000 000 сўм**

Форма оплаты — любая **Товар сертифицирован**

Premium Auto 295 88 77 SHIFT_the way you move

«АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни **ЎҚИТУВЧИЛАР ва МУРАБИЙЛАР КУНИ** билан табриклайди ва қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
«САМАРАЛИ-1»
Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ойма-ой ёки омонат муддати тугаган (1 йил)дан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
«МАҚСАДЛИ-1» — АҚШ долларарида
Сақланиш муддати — 3 йил.
Омонатчининг хоҳишига кўра, ҳисобланган фоизлар ҳар 6 ойда ёки ёпилган (3 йил)дан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371) 225-16-46
5. Сергели филиали	(371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374) 224-40-96
8. Асака филиали	(374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали	(374) 229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373) 224-70-83
11. Марғилон филиали	(373) 237-12-37
12. Олтириқ филиали	(373) 432-10-11
13. Кўкон филиали	(373) 552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369) 226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436) 573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365) 770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366) 234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361) 223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362) 226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367) 225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372) 226-43-11

Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасаруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача
ЭЪЛОНЛАР 232-11-15, 236-09-25.
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси продюсерага гуруҳи менежери Моҳидил Мамадалиевага онаси **МАЙРАМХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Топаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусоҳиҳ — С. Исмолов.